

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 408-ҳадис**

408 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ تَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ؟ قَالَ: «هَلْ تُضَارُّونَ فِي رُؤْيَةِ الشَّمْسِ فِي الظَّهْرِ، لَيْسَتْ فِي سَحَابَةٍ؟» قَالَ: لَا، قَالَ: «فَهَلْ تُضَارُّونَ فِي رُؤْيَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، لَيْسَ فِي سَحَابَةٍ؟» قَالَ: لَا، قَالَ: «فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا تُضَارُّونَ فِي رُؤْيَةِ رَبِّكُمْ، إِلَّا كَمَا تُضَارُّونَ فِي رُؤْيَةِ أَحَدِهِمَا، قَالَ: فَيَلْقَى الْعَبْدَ، فَيَقُولُ: أَيُّ فُلٍ أُرِّمْتَ، وَأُسَوِّدَكَ، وَأُرْوَجَكَ، وَأُسَحِّرُ لَكَ الْحَيْلَ وَالْإِبِلَ، وَأَذْرَكَ تَرَّاسُ وَتَرْبَعُ؟ فَيَقُولُ: بَلَى، قَالَ: فَيَقُولُ: أَفَطَنَّتْ أَنْتَ مُلَاقِي؟ فَيَقُولُ: لَا، فَيَقُولُ: فَإِنِّي أَنْسَاكَ كَمَا نَسَيْتَنِي، ثُمَّ يَلْقَى الثَّانِي فَيَقُولُ: أَيُّ فُلٍ أُرِّمْتَ، وَأُسَوِّدَكَ، وَأُرْوَجَكَ، وَأُسَحِّرُ لَكَ الْحَيْلَ وَالْإِبِلَ، وَأَذْرَكَ تَرَّاسُ، وَتَرْبَعُ، فَيَقُولُ: بَلَى، أَيُّ رَبِّ فَيَقُولُ: أَفَطَنَّتْ أَنْتَ مُلَاقِي؟ فَيَقُولُ: لَا، فَيَقُولُ: فَإِنِّي أَنْسَاكَ كَمَا نَسَيْتَنِي، ثُمَّ يَلْقَى الثَّلَاثَ، فَيَقُولُ لَهُ مِثْلَ ذَلِكَ، فَيَقُولُ: يَا رَبِّ آمَنْتُ بِكَ، وَبِكِتَابِكَ، وَبِرَسُولِكَ، وَصَلَّيْتُ، وَصُمْتُ، وَتَصَدَّقْتُ، وَيَتَّبِعِي بِخَيْرٍ مَا اسْتَطَاعَ، فَيَقُولُ: هَاهُنَا إِذَا، قَالَ: ثُمَّ يُقَالُ لَهُ: الْآنَ تَبَعْتُ شَاهِدَنَا عَلَيْكَ، وَيَتَفَكَّرُ فِي نَفْسِهِ: مَنْ ذَا الَّذِي يَشْهَدُ عَلَيَّ؟ فَيُحْتَمُّ عَلَى فِيهِ، وَيُقَالُ لِفَخِذِهِ وَلَحْمِهِ وَعِظَامِهِ: انْطِقِي، فَتَنْطِقُ فَحِذُهُ وَلَحْمُهُ وَعِظَامُهُ بِعَمَلِهِ، وَذَلِكَ لِيُعَذَرَ مِنْ نَفْسِهِ، وَذَلِكَ الْمُنَافِقُ وَذَلِكَ الَّذِي يَسْحَطُ اللَّهُ عَلَيْهِ».

[خ 22، م 2968، ت 2549، س 1140، د 4730، ج 178].

«Зухд» сўзи луғатда бир нарсани тарк илиш ва ундан юз ўгириш маъноларини билдиради. «Зухд» сўзи уламолар истилоҳида дунё, мол-мулк, обрў ва мансабдан юз ўгиришни англатади. Зухднинг мўмин бандага вожиб бўлган қисми охиратда зарар етказадиган нарсани тарк қилишдир. Зухдга яқин маънони англатадиган «вараъ» сўзи ҳам бор. Вараъдан мурод, ҳалол нарсаларни олишдир. Зухд эса, ҳалол бўлса ҳам, ҳожатдан ташқари нарсани

олмасликдир.

«Рақоик» луғатда «рақиқ»нинг жами булиб, «нозик», «ўта таъсирли» деган маъноларни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, қалбни рақиқ яъни юмшоқ, қиладиган нарсалар, деганидир. Рақиқ Куръони Карим ояти, ҳадиси шариф, мавъиза, кишининг қалбини юмшатадиган манзара ёки ҳолат бўлиши мумкин. Рақоик ҳисобланган нарсалар Аллоҳ таолодан кўрқишга, қалбнинг титрашига, кўзга ёш келишига сабаб бўладиган нарсалардир. Зухд ва рақоик бир-бирига яқин нарсалар бўлгани учун барча муҳаддислар (раҳматуллоҳи алайҳим) ўз китобларида бу икки нарсага оид ҳадиси шарифларни бир сарлавҳа остида келтирганлар. Баъзи уламоларимиз эса, бу борада алоҳида китоблар ҳам таълиф қилганлар.

1. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Қиёмат куни Роббимизни кўрамизми?» дейишди. **«Кун тиккага келганда булут тўсмаган қуёшни кўришда бир-бирингизга халал берасизми?»** дедилар у зот. «Йўқ», дейишди. **«Ой тўлган кечада булут тўсмаган ойни кўришда бир-бирингизга халал берасизми?»** дедилар. «Йўқ», дейишди. У зот шундай дедилар: **«Жоним кўлида бўлган Зот ила қасамки, улардан бирини (қуёш ёки ойни) кўришда бир-бирингизга халал бермаганингиздек, Роббингизни кўришда ҳам бир-бирингизга халал бермайсиз. У Зот бандани қарши олиб, «Эй Фалончи! Сени икром қилмадимми? Азиз қилмадимми? Уйлантириб қўймадимми? От ва туяни сенга бўйсундириб қўймадимми? Бошлиқ бўлиб, (ўлжанинг) тўртдан бирини оладиган қилиб қўймадимми?»** дейди. «Ҳа», дейди (банда). **«Менга учрайман деб ўйлаганмидинг?»** дейди У Зот. «Йўқ», дейди у. **«Сен Мени унутганингдек, Мен ҳам сени унутаман»,** дейди У Зот. **«Сўнгра иккинчи марта қарши олиб, «Эй Фалончи! Сени икром қилмадимми? Азиз қилмадимми? Уйлантириб қўймадимми? От ва туяни сенга бўйсундириб қўймадимми? Бошлиқ бўлиб, (ўлжани) тўртдан бирини оладиган қилиб қўймадимми?»** дейди. «Ҳа, Роббим», дейди у. **«Менга учрайман деб ўйлаганмидинг?»** дейди У Зот. «Йўқ», дейди у. **«Сени Мени унутганингдек, Мен ҳам сени унутаман»,** дейди У Зот. **«Сўнгра учинчи бор қарши олиб, худди шу гапни айтади. Шунда у: «Роббим! Сенга, китобингга ва расулларингга иймон келтирдим, намоз ўқидим, рўза тутдим, садақа қилдим», дея кўлидан келганича (ўзига) яхши мақтовларни айтади. Шунда У Зот: «Бўлмаса шу ерда тур!»,** дейди. Кейин унга: **«Ана энди сенга гувоҳимизни юборамиз»,** дейилади. У ичида: **«Менга қарши гувоҳлик берадиган ким экан?»** деб ўйлайди. Шунда унинг оғзи муҳрланиб, сонига, гўштига, суягига **«Тилга кир!»** дейилади. Шунда сони, гўшти ва суяги унинг амаллари ҳақида гапиришади. У Зот унга узр қолдирмаслиги учундир. Мана шу мунофиқдир, мана шу Аллоҳ ғазаб қиладиган кимсадир».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насайй, Абу Довуд ва Ибн Можж ривоят қилишган.

Фойдаланилган адабиётлар

«Қуръони карим маънолари таржимаси». Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.

1. «Қуръони карим» ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур
2. «Ҳадис ва Ҳаёт». Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.
3. «Олтин силсила» Саҳиҳул Бухорий ва Саҳиҳул Муслим.
4. “Ан-найм арабча ўзбекча луғат”. Носиров О, Юсупов М. “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”. -Т., 2003 й.
5. “Исломда ўлчов бирликлари”. Абдулазим Зиёуддин.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARI DLARI